

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

СамДУ ректори

проф.

Р.И.Халмурадов

2022 йил

**22.00.02 – ИЖТИМОЙИЙ ТУЗИЛИШ, ИЖТИМОЙИЙ ИНСТИТУТЛАР  
ВА ТУРМУШ ТАЪРИ ИХТИСОСЛИГИ БЎЙИЧА ДОКТОРАНТУРАГА  
КИРИШ СИНОВЛАРИ УЧУН МАХСУС ИХТИСОСЛИК  
ФАНЛАРИДАН**

**ДАСТУР БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

Самарқанд-2022 й.

### **Аннотация:**

Дастур 22.00.02 – ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи ихтисослигига кирувчилар учун 5210100-социология мутахассисликларини 2019 йилда тасдиқланган ўқув режасидаги асосий фанлар асосида тузилди.

### **ТУЗУВЧИЛАР:**

И. Негматов

Самарқанд давлат университети,  
Социология ва ижтимоий иш  
кафедраси муdiri, фалсафа  
фанлари номзоди, доцент

М.Б.Шеров

Самарқанд давлат университети,  
Социология ва ижтимоий иш  
кафедраси доценти

Дастур Психология ва ижтимоий-сиёсий фанлар факультетининг 2022 йил 6 сентябрдаги №1 сонли Кенгаш йиғилишида муҳокама қилинган ва тасдиқлашга тавсия этилган.

## КИРИШ

Социология гуманитар фанлар доирасидаги шундай йўналишки, у бутун жамият ва унинг ижтимоий тизимини ташкил этадиган таркибий қисмларининг ривожланиш ва мавжуд бўлиш қонуниятларини, турли социал жараёнлар ўртасидаги ўзаро алоқалар ва кишиларнинг социал хулқ-атвори қонуниятларини ўрганади.

Социология фани жамиятда рўй бераётган йирик ижтимоий-сиёсий воқеаларни шунчаки қайд этиш билан чекланмайди, балки унинг асл моҳияти ва мазмунини атрофлича очиб беради. Бу фан ўзининг илмий хулосаларини эмпирик даражада асосланган ҳолатда илгари суради. Социология фан сифатида ҳозирги ижтимоий жараёнлар ҳолатига тўлақонли жавоб бериш билангина чекланмасдан, балки уларнинг истикболдаги ўзгариш даражаси хусусида башорат қилади. Ана шу жиҳатдан социология фани назарияси, амалиёти ва тадқиқот усулларини атрофлича ўрганиб чиқиш зарурати туғилади.

Дастурнинг асосий моҳияти социология ривожланишининг назарий-услубий асослари, фаннинг предмети ва объекти, институтлашган шакллари, ижтимоий фикрнинг тарихий ривожланиши, фанлар тизимида социологиянинг ўрни, социологияни тушунишдаги илмий назариялар, унинг тушунчалар тизимини кўриб чиқишда намоён бўлади. Фаннинг назарий асослари долзарб ижтимоий жараёнлар, социал структура ва социал тизимларнинг мавжуд бўлиши ва ривожланиш муаммолари, жамият социал-маданий тизим сифатида, шахс ижтимоий муносабатларнинг объекти ва субъекти сифатида, социал муносабатлар, ижтимоий жамоалар, социал алоқалар, социал ташкилотлар, гуруҳлар, социал институтлар ва институтлашган муносабатлар, жамиятдаги ижтимоий ўзгаришларни батафсил баён қилиш билан мос келади. Бунда асосий эътибор амалий фаолиятда социологик билим ва усуллардан фойдаланиш имкониятларини ишлаб чиқишга, Ўзбекистон ва жаҳондаги социал муаммоларга нисбатан қизиқишнинг ошганлигига қаратилади.

Ушбу дастур социология фани қўлга киритган ва мунозарали социологик масалалар юзасидан кейинги йилларда монография, диссертация, илмий мақолалар, дарслик ва ўқув қўлланмаларда билдирилаётган фикрлар, Ўзбекистонда социология таълим тизимини ривожлантириш йўлида қилинаётган ҳаракатлар ҳамда бир неча йиллардан буён бу фанни олий таълим тизимида ўқитиш тажрибасини ҳисобга олган ҳолда тузилди.

Дастурда социологияни фан сифатида шаклланиши, унинг таркибий тузилиши, жамиятни яхлит тизим тариқасида таҳлил қилиш, ижтимоий ҳаётда социал институтлар роли, девиант хулқ-атвор ва социал назорат масалалари, жамиятнинг социал структураси ва стратификацион жараёнлар, социал муносабатлар, ижтимоий тараққиёт тенденцияларини ифодалайдиган мавзулар ёритилган.

Дастурнинг яқунловчи қисмида эмпирик социологик тадқиқотларни олиб боришга бағишланган мавзу тавсия қилинган. Бунда эмпирик

социологияда кенг ўрин олган социологик маълумотларни тўплаш, уларни қайта ишлаш ҳамда таҳлил қилиш услубларига ҳам етарлича эътибор қаратилди.

### **Социология фан сифатида**

Социология фанининг вужудга келишида ижтимоий-иқтисодий, ғоявий-назарий шарт-шароитлар. О.Конт - позитив социологиянинг асосчиси, унинг социологияни мустақил фан сифатида яратишдаги дастлабки режалари. Антик даврнинг қомусий олимлари ва Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий-фалсафий таълимотлари (Платон, Аристотел, Форобий, Ибн Ҳалдун ва бошқалар) замонавий социологиянинг муҳим манбалари сифатида.

Ғарб социологияси классикларининг ишларида социологиянинг объекти ва предмети муаммоси. Социологиянинг турли йўналишларида фаннинг объекти ва предмети муаммосини ечиш йўлидаги ғоявий-назарий изланишлар. Социологиянинг бошқа фанлар билан муносабати. Социология ва фалсафа. Социология ва тарих. Социология ва психология, демография, генетика, социал география. Социология ва табиий ҳамда аниқ фанлар. Социологиянинг фанлар тизимидаги тутган ўзига хос ўрни.

### **Социология структураси**

Фанда структура тушунчаси ва унинг аҳамияти. Социологиянинг структураси ва унинг асосий таркибий қисмлари. Социология структураси элементларининг ривожланиш динамикаси. Фундаментал (асосий) социология. Жамият ҳаётининг фундаментал муаммоларини социологик таҳлили. Назарий ва амалий социология: уларнинг умумийлиги ва фарқи. Социология тарихида универсал назарияларни ишлаб чиқишга бўлган интилишлар. Эмпирик социологиянинг бунёд бўлиши ва уни социология назарияси ривожига таъсири. Социологияда махсус ва тармоқ йўналишлар. Макросоциология ва микросоциология.

### **Жамият яхлит тизим сифатида**

Жамият ва ижтимоийлик тушунчаси. Шарқ мутафаккирларининг жамият тўғрисидаги қарашлари. Ғарб социологияси асосчиларининг ишларида ижтимоийликнинг таърифланиши. М. Вебер концепциясида тоталитар жамият, унинг белгилари ва ижтимоий-сиёсий ташкил этилиш усуллари. Жамият ва давлат. Жамиятнинг механистик, органистик ва бошқа тарзларда таърифланиши. Т.Парсонс назариясида жамият тушунчаси, унинг тўрт функцияли парадигмаси. Замонавий жамиятнинг турлича таърифлари. Анъанавий жамият ва Индустириал жамият. Уларнинг белгилари. “Мўлкўллик жамияти”, “Очиқ жамият”, “Ёпиқ жамият”, “Истеъмол жамияти”, “Постиндустириал жамият” ва бошқалар XX ва XXI аср маданий-тарихий ва сиёсий тизимларни таърифлаш мезонлари сифатида.

### **Социал гуруҳлар ва социал институтлар**

Социал гуруҳ тушунчаси, унинг асосий белгилари. Социологияда социал гуруҳларга ажратиш мезонларининг хилма-хиллиги Социал гуруҳ турлари: катта ва кичик, расмий ва норасмий, бирламчи ва иккиламчи, ин-гуруҳ ва аут-гуруҳ, референт гуруҳлар ва бошқалар. Ғарб социологиясида кичик гуруҳлар назарияси: социометрия, гуруҳ ўзгарувчанлиги, психотерапевтик ва бошқалар социал гуруҳларнинг шаклланиши, ишлаши ва таракқий этиши қонунларини тушунтирувчи назариялар сифатида. Квази-гуруҳлар. Қон-қариндошликка асосланган гуруҳлар: уруғ, қабила, қариндошлар, оила, элат, миллат. Оммани социологик ўрганиш. Социологияда социал институт тушунчаси. Социал институт белгилари. Социал институтнинг асосий вазифалари. Социал институт турлари: оила, сиёсат, дин, иқтисод, таълим, ҳуқуқ ва бошқалар. Жамият ҳаётида социал институтларнинг ўрни. Оила ва никоҳ. Иқтисодий институтлар. Уларнинг кўринишлари ва вазифалари. Иқтисодий гуруҳлар ва иқтисодий хатти-ҳаракат. Ишлаб чиқариш, унинг тарихий шакллари ва вазифалари. Ижтимоий меҳнат тақсимооти ва касб. Меҳнат бозори, бандлик ва ишсизлик. Давлат ва жамиятнинг сиёсий тизими. Ўзбекистон шароитида демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш. Ўзбекистонда ҳуқуқий онгнинг ўзига хослиги. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш. Дин социомаданий институт сифатида. Диннинг функциялари. Замонавий жамиятда диннинг ўрни. Дин билан давлат ўртасидаги ўзаро муносабат. Таълим социал институт сифатида. Унинг таракқиёти ва шакллари. Умумий, ўрта-махсус ва олий таълим. Олий таълим ва фан: таркиби ва илмий-педагогик кадрлар. Ўзбекистон олий таълим тизими ва Европа ҳамда АҚШ университетлари: умумийлик ва хусусийлик. Таълим тизимидаги ислохотлар.

### **Шахс социологияси ва девиант хулқ-атвор**

Шахс тушунчаси. Шахс тушунчасини турли фанлардаги талқини. Шахс, инсон, индивид тушунчалари. Шахс шаклланишига таъсир этувчи асосий омиллар. Шахс ижтимоий муносабатларнинг маҳсули сифатида. Шахс тўғрисидаги асосий социологик назариялар. Ўз-ўзини баҳолаш ва Мен-таълимотининг шаклланиши, кадриятлар ва баҳолар. Шахснинг ўз-ўзини ҳурмат қилиши. Шахс структураси. Шахс турлари. Шахснинг анъанавий ва замонавий турлари.

Девиант хулқ-атвор (оғма хулқ-атвор) тушунчаси. Девиант хулқ-атвор муаммосини ўрганиш социологиядаги илмий йўналиш сифатида. Девиант хулқ-атвор турлари: қонунни бузиш, ўз-ўзини ўлдириш, гиёҳвандлик, алкоголизм ва бошқалар. Э.Дюркгейм, Р.Мертонларнинг девиант хулқатвор назариялари, З.Фрейд ва Э.Фроммларнинг деструктивлик (структурани бузилиши) назариялари.

Социал меъёр ва аномия девиант хулқ-атвор назариясининг марказий тушунчаси сифатида. Девиант хулқ-атвор белгилари, уларнинг структураси.

Девиант хулқ-атворни туркумлаш. Бузилган хулқ-атвор механизми. Девиант хулқ-атворнинг тиббий-биологик, ижтимоий-психологик ва ижтимоий томонлари. Ҳозирги замонда девиант хулқ-атворнинг тарқалиши ва ўзгариши. Девиант, делинквент ва криминал ҳатти-ҳаракатлар. Профессионал жиноятчилик. Уюшган жиноятчилик. Дунёда жиноятчилик ҳолати. Жиноятчиликни ошиши ва жамиятнинг криминаллашуви сабаблари ва намоён бўлиш шакллари. Ўсмирлар ва ёшлар жиноятчилиги. Жамиятда коррупция муаммоси.

Социал назорат. Социал назорат кишилар ҳатти-ҳаракатини тартибга солиш механизми сифатида. П.Бергернинг социал назорат тўғрисидаги таълимоти. Социал назорат элементлари: меъёрлар ва санкциялар. Социал санкциялар турлари: позитив ва негатив, расмий ва норасмий. Социал меъёрлар таснифи. Социал меъёр турлари: ҳуқуқий, диний, анъанавий ва ахлоқий. Ички ва ташқи назорат. Ўз-ўзини назорат қилиш муаммоси. Жамоатчилик фикри социал назоратнинг шакли сифатида.

### **Жамият социал структураси ва стратификацион жараёнлар**

Социал структура тушунчаси. Кишилиқ жамияти тарихида социал структура муаммосининг талқини. Социал структура тўғрисидаги антик давр мутафаккирларининг таълимотлари. П. Сорокиннинг социал стратификация тўғрисидаги назарияси. Стратификация асослари ва мезонлари: иқтисодий ҳолат, мавқе, таълим ва ҳокимият. Стратификация ва социал дифференция. Стратификацион тизимлар: қуллик, каста, клан ва синф. Очиқ ва ёпиқ тизимлар. Социал стратификация ва социал ҳаракатчанлик (мобиллик) назарияси синфийлик таълимотига қарши ғоя сифатида. Жамият социал структураси ривожининг замонавий тенденциялари. Бозор муносабатлари шароитида социал структуранинг ўзгариши. Ўзбекистонда социал стратификация ва социал мобиллик жараёни. Социал ҳаракатчанлик (мобиллик) тўғрисидаги социология классиклари: М.Вебер, Э. Гидденс, Т. Парсонс, П. Сорокин ва бошқаларнинг қарашлари. Социал ҳаракатчанлик белгилари. Социал ҳаракатчанлик турлари: горизонтал ва вертикал социал ҳаракатчанлик. Гуруҳий ва индивидуал ҳаракатчанлик. Авлод ичидаги ва авлодлар ўртасидаги социал ҳаракатчанлик. Структуравий социал ҳаракатчанлик. Жамиятда социал ҳаракатчанлик йўллари. Социал ҳаракатчанликнинг демографик омиллари. Миграция ва унинг тарихий шакллари. Эмиграция ва миграция. Меҳнат ва иқтисодий миграция. Хорижий ишчи кучлар бозори. “Ақллар оқими”.

### **Социал муносабатлар**

Социал муносабатлар тушунчаси. Социал муносабат турлари: ҳамфикрлик, кооперация, конфликтлар, кураш, бегоналашув, бефарқлик, кризис, камситиш, нотенглик. Социал муносабатлар тизимидаги плюрализм. Социал муносабатларнинг асослари. Ҳамфикрлик, барқарорлик ва кооперация - социал тизимларнинг муваффақиятли ишлашининг омиллари

сифатида. Э.Дюркгейм концепциясида ҳамфикрлик тушунчаси. Кооперация ижтимоийликнинг асосий белгиси сифатида. Позитивизм социологиясида барқарорлик ва инқироз онги. Барқарорликни структуравий-функционал асослаш.

Бегоналашув ва таназзул. Э.Дюркгеймнинг аномия (қонунсизлик) концепцияси, Ф.Теннис, М.Вебер, Г.Зиммел, экстеншенциал ва феноменологик социология асосчилари таълимотларида бегоналашув ва жамиятдаги инқироз ҳодисаларининг ўзаро алоқадорлиги тўғрисидаги фикрлари. Бегоналашув турлари ва уларнинг ижтимоий оқибатлари. Тенглик ва плюрализм ижтимоий тузум тамойиллари сифатида. Миллий ғоя ва миллий мафкураининг социал муносабатлар тизимидаги ўрни.

### **Ижтимоий тараққиёт социологияси**

Социологияда ижтимоий тараққиёт тушунчаси. Ижтимоий ўзгариш ва тараққиёт тушунчаларининг нисбати. Ижтимоий прогресс, регресс, эволюция ва революция ижтимоий ўзгаришларнинг шакли сифатида. Ижтимоий прогресс муаммолари. Ижтимоий тараққиёт шакллари: эволюцион, революцион ва реформистик тараққиётлар. Эволюцион ривожланиш ва унинг афзалликлари. Социал революциялар ва уларнинг салбий оқибатлари. Социал реформалар ва уларнинг турлари. Ўзбек ривожланиш моделида миллий менталитетнинг ўрни. Ривожланган мамлакатлар тажрибасида миллий тафаккур тарзининг аҳамияти. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарувни демократиялаштириш жараёнларининг ўзига хослиги. Ижтимоий тараққиётни бошқариш. Менежмент ва унинг хусусиятлари. Глобал ижтимоий-иқтисодий таназзуллар ва уларнинг ижтимоий тараққиёт жараёнларига салбий таъсири. Ўзбекистон ижтимоий-маданий хусусиятларининг ижтимоий-иқтисодий таназзулларга қарши чора-тадбирларни ишлаб чиқишдаги аҳамияти.

### **Эмпирик социологик тадқиқот ва унинг методлари**

Социологик тадқиқот дастури. Дастурнинг структураси: назарий - методологик ва методик бўлимлар. Дастурнинг асосий элементлари: муаммони таърифлаш; тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларини, объекти ва предметини аниқлаш; объектни тизимли таҳлил қилиш, тушунчаларни назарий ва эмпирик изоҳлаш, гипотезаларни ифодалаш; маълумотларни ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш.

Социологияда маълумотлар тўплаш методларининг умумий таснифи: сўров, кузатиш, эксперимент, ҳужжатларни ўрганиш методлари, уларнинг ўзига хослиги. Сўров методи. Сўров турлари. Анкета (сўров варақаси) сўров методининг марказий элементи сифатида. Анкета тузиш техникаси. Анкетанинг умумий тузилиши. Анкетадаги саволларнинг турлари, асосий талаблар. Оғзаки сўров ва унинг хусусиятлари. Интервью олиш услуби. Кузатиш методи ва унинг моҳияти. Кузатиш турлари. Кузатишнинг аниқлиги муаммоси ва уни таъминлаш усуллари. Кузатиш даврлари ва тартиби.

Кузатиш асбоблари, кузатиш натижаларини қайд этиш усуллари. Хужжатларни ўрганиш методи. Социологияда хужжат тушунчаси, унинг турлари. Хужжатларнинг информация манбаи сифатидаги ишончлилик муаммоси. Хужжатларни таҳлил қилиш турлари. Контент-таҳлил хужжатларни ўрганиш методининг бир тури сифатида. Эксперимент методи. Эксперимент турлари. Ижтимоий эксперимент структураси, унинг билиш имкониятлари. Объектни танлаш, экспериментал ва назорат гуруҳларини шакллантириш, экспериментал вазият, натижаларни таҳлил қилиш. Хулосаларни таҳлил қилиш усуллари.

### **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ, Тошкент, 2016. 56-б.

2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь –Тошкент, Ўзбекистон, 2017. 104-б.

3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь- Тошкент, Ўзбекистон, 2017. 48-б.

4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган.-Тошкент, Ўзбекистон, 2017. 488-б.

5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент, “Маънавият”, 2008

6. Социология (Муаллифлар жамоаси) Тошкент., 2002

7. Социология. Маърузалар курси. (Муаллифлар жамоаси) Тошкент; 2001

8. Умумий социология. (Алиқориев Н.С ва Убайдуллаева Р.Т таҳрири остида) –Т.; 1999



### **Қўшимча адабиёт**

1. Вебер М. Избрание произведения. М.: Прогресс. 1990
2. Гиддингс Э. Социология. Т., 2002
3. Современная западная социология. Словарь М. “Прогресс”. 1990.
4. Кравченко А.И. Социология. М.: 2006 г.
5. Социология религии. В.И.Гараджа. М. 2005.
6. Қодиров А.Қ. Социология. Т.:2006
7. Saitxodjayiv Н.В. Sotsiologiya. Ma`ruzalar kursi. Т.:2008
8. Ҳолбеков А., Идиров У. Социология:изоҳли луғат-маълумотнома. Т.:1999.

### **Хорижий тиллардаги адабиётлар**

1. Albrow M. Sociology: The basics.-L.;N.Y/.; Routlege,1999
2. Bassis M. Sociology: An introduction; 5-th rev. ed,London; McGraw, 1994
3. Giddens A. Sociology. 3rd ed. Cambridge: Polity press,1998
4. Vincent Price. Public opinion. London. 1992.
5. Karl-Heinz Hillman. Wörterbuch der Soziologie. – Stuttgart.: Kröner, 1994.

### **Интернет сайтлари**

1. [http: www.lib.socio.msu.ru](http://www.lib.socio.msu.ru)
2. [http: www.socioline.ru](http://www.socioline.ru)
3. [http: www.socio.rin.ru](http://www.socio.rin.ru)
4. [http: www.sociologos.narod.ru](http://www.sociologos.narod.ru)
5. [http: www.socionet.narod.ru](http://www.socionet.narod.ru)
6. [http: www.sociograd.ru](http://www.sociograd.ru)

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА  
ИХТИСОСЛИКЛАРИГА КИРИШ СИНОВЛАРИ УЧУН МАХСУС  
ФАНЛАРДАН ДАЪВОГАРЛАРНИНГ БИЛИМЛАРИНИ БАҲОЛАШ  
МЕЗОНИ**

<b>Синов топшириш шакли</b>	Ёзма
<b>Ажратилган вақт</b>	120 дақиқа
<b>Саволлар сони</b>	5
<b>Ҳар бир савол учун белгиланган балл</b>	20
<b>Максимал балл</b>	100
<b>Ўтиш бали</b>	55